

## Аллоҳнинг дуоларни ижобат қилишига далиллар | Тазкия дарслари (295-дарс)

**ТАЗКИЯ**  
295-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



19:00 / 17 август 567

لَكُمْ أَسْتَجِبْ أَدْعُوْنِي رَبُّكُمْ وَقَالَ

**1. «Роббингиз: «Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман... деди»**  
(Ғофир сураси, 60-оят).

دَعْوَةَ أُجِيبُ قَرِيبٌ فَإِنِّي عَنِ عِبَادِي سَأَلْكَ وَإِذَا

دَعَانِ إِذَا الدَّاعِ

2. «Қачон бандаларим сендан Мен ҳақимда сўрасалар, бас, албатта, Мен яқиндирман. Дуо қилувчи Менга дуо қилганда, дуосини ижобат қилурман» (Бақара сураси, 186-оят).

جَهَنَّمَ سَيِّدٌ خُلُونِ عِبَادَتِي عَنْ يَسْتَكْبِرُونَ الَّذِينَ إِنَّ

دَاخِرِينَ ﴿٦٠﴾

3. «Албатта, Менинг ибодатимдан кибр қилганлар жаҳаннамга хору зор ҳолларида кирурлар» (Ғофир сураси, 60-оят).

Баъзилар: «Одамлар Аллоҳдан сўрайдилар, аммо Аллоҳ ҳеч нарса бермаслиги ёки сўрамаган нарсасини бериши ҳам мумкинми?» дейдилар.

Бу саволга учта жавоб бор:

Биринчидан, дуони ижобат қилиш ҳақидаги оят сўровчига бир нарса беришни ўз ичига олмаган. Оят дуо қилувчига ижобат қилинишини ўз ичига олган. Дуо қилувчи эса сўровчидан умумийроқ маънодаги шахсдир. Шунинг учун ҳам дуонинг ижобат қилиниши сўровни беришдан кўра умумийроқдир.

هَلْ لَّيْضَرُّهُ يَبِأَنۡع  
يَلۡصَحۡ هَلۡ لَّوۡسَرۡنَا، هُنَّع  
لۡأَقۡمۡلَسَوۡهُ يَلۡعُ هَلۡلَا

كَرَابَتَانُ بَرُّ لَزْنِي»  
يَلِيَّةٌ لِي لُكَّ يَلَاغَتَ وَ  
يَقُبِّي نِيحَ أَيُّ نَدْلٍ أَمَّ سَلَا  
لُوقِي فُ، رُخَالِ لِي لَلَا تُلُثُ  
هُلَّ بِي جَتَسَ أَفَ يَنُوعَدِي نَم  
نَمَوُ، هَي طُعُ أَفَ يَنُ لَأَسَي نَمَوُ  
هُلَّ رُفُعُ أَفَ يَنُ رُفُعُ تَسَي  
هُ سَمُ خَلَا هَاوَرُ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳар кеча Роббимиз таборака ва таоло туннинг охирги учдан бири қолганда дунё осмонига тушади ва: «Ким Менга дуо қилади, Мен унга ижобат қилсам, ким Мендан сўрайди, Мен унга ато қилсам, ким Менга истиғфор айтади, Мен уни мағфират қилсам», дейди», дедилар».

*Бешовлари ривоят қилишган.*

Ушбу ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дуо қилувчи билан сўровчининг, ижобат билан атонинг орасини фарқламоқдалар.

Иккинчидан, дуони ижобат қилиш сўралган нарсани беришдан кўра кенг ва умумийдир.



**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қайси бир мусулмон гуноҳ аралаштирмасдан, қариндошлик алоқасини узмасдан туриб дуо қилса, албатта, Аллоҳ унга бунинг сабабидан уч хислатдан бирини беради: ё сўраганини тезда беради, ё ўшанинг мислича яхшилиқни унинг учун сақлаб қўяди, ё ўшанинг мислича ёмонлиқни ундан буриб қўяди», дедилар.**

**«Ундай бўлса (дуони) кўпайтирамиз», дейишди.**

**«Аллоҳ кўпайтирувчироқ», дедилар».**

*Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган. Заҳабий саҳиҳ деган.*

Учинчидан, албатта, дуо талаб қилинган нарсага эришишни тақозо қилувчи сабабдир. Сабабнинг эса шартлари ва монъёлари бор. Қачон шартлар ҳосил бўлиб, ман қилувчилар йўқ бўлса, талаб қилинган нарсага эришилади. Гоҳида бошқаси – дуо қилувчи учун хайрлироқ нарса ҳосил бўлиши ҳам мумкин.

**«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.